

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

2004 йил 27 февраль

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 36- моддасининг иккинчи қисмидаги нумувофикликни бартараф этиш таклифини Олий Мажлисга такдим этиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Раис Б.Мустафоев, судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимовалардан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддаси ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 36-моддасининг иккинчи қисмидаги нумувофикликни бартараф этиш таклифини Олий Мажлисга такдим этиш ҳақидаги ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Ишни кўришга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари У. Бозоров, Г. Пиржанов ва С.Ҳакимоваларнинг Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 36-моддасининг рус ва ўзбек тилидаги матнларини бир-бирига мувофиқлаштириш лозимлиги ҳақидаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ кўрсатган ташаббуси асос бўлди.

Маърузачи Конституциявий суд Раиси Б.Мустафоевнинг ахборотини, судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов, С.Ҳакимоваларнинг фикрларини эшитиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

аниқлади:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг «Маъмурий жазо қўлланиш муддатлари»ни белгиловчи 36-моддасининг иккинчи қисми назарда тутган қоидага мувофиқ «жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тўхтатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин».

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун, агар унинг таркибида жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, маъмурий жазо қўллашга фақат жиноят ишини

кўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 83 ёки 84-моддалари назарда тутган асосларга мувофиқ тугатилган бўлиши шарт.

Жиноят иши бўйича дастлабки терговнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 364-моддаси тартибида тўхтатилиши вақтинча характерга эга бўлиб, мазкур моддада назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилганда, ЖПКнинг 371-моддаси белгиланган қоидага кўра дастлабки тергов қайта тикланади. Демак, шахсга нисбатан маъмурий жазо қўллаш учун дастлабки терговнинг тўхтатилиши эмас, дастлабки терговнинг жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш туридаги тамомланиши асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 36-моддасининг рус тилидаги матнида эса «прекращения уголовного дела» деган ибора ишлатилган. Ушбу модданинг ўзбек ва рус тилидаги матнлари бир-бирига номувофикдир.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 25 ва 26-моддаларига амал қилган ҳолда, Конституциявий суд

қ а р о р қ и л а д и:

Қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 36-моддаси иккинчи қисмининг рус ва ўзбек тили матнларидаги номувофикликни бартараф этиш таклифини Олий Мажлисга тақдим этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди**